



Масару ИБУКА

УЧ ЁШДАН СЎНГ КЕЧ

Давоми. Боши ўтган сонларда.

Болаларнинг ўзаро мулоқотларини рағбатлантириш зарур

Доимо боласи ёнида бўлган, уни тез-тез кўтариб эркалатадиган, меҳрини берадиган она боласининг ҳам ақлий ҳам ҳиссий ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Бола мукамал инсон сифатида нафақат онаси, балки отаси, ака-сингиллари, бошқа болалар билан мулоқотда бўлса, тезроқ вояга етади. Бу нарса унда, аввало, етакчилик қилиш туйғуларини уйғотади. Висконсине (АҚШ) университетининг олими, доктор Хари Харлоу маймун болалари ўртасида ижтимоий мулоқотнинг улар ақли ва ривожига таъсирини ўрганар экан, маймунчани фақатгина ичида бир шиша сут бўлган, ҳамма жойи ёпиқ қафасга жойлайди.

Мақсад — маймун боласи қамоқда ўзини қандай тутишини кўриш эди. Уч ойдан сўнг у бошқа маймунлар ичига қўйиб юборилганида ҳаракатларида куркув акс этган, аммо маълум вақт ўтгач, жонланиб, у ўз тенгдошлари билан ўйнай бошлаган. Иккинчи тажрибада маймунчани изоляцияда 6 ой ушлашди. Гуруҳ ичига қўйиб юборилганида, у ҳаммадан қочиб, бурчакка қисилиб олган ва ҳеч ким билан ўйнамаган. Учинчи тажрибада маймунча изоляцияда бир йил ушлаб турилиб, гуруҳга қўшилганида, ҳеч ким билан ўйнамаган, хаттоки, ўзи сингари изоляцияда бўлган, қисинган маймунчаларга ҳам қўшилмаган. Тўртинчи тажрибада изоляцияда бўлган бир неча маймунча қамоқда бўлмаган битта маймунча билан бир жойга жойлаштирилганида, эркин ўсган маймунчанинг ёлғизликдан асаблари дош бера олмади. Чунки қамоқда яшаган маймунчаларнинг ақлий ривожини эркинликда яшаганларига нисбатан орқада қолган. Хулоса шуки, инсон боласи ҳам жамиятдан ҳоли яшаса, феъли оғир, индамас, бошқаларга қўшилмайдиган, ақлий ривожланишда қоқоқ бўлиб вояга етади.

Ҳозир инсонлар бир-бирлари билан деярли мулоқот қилишмайди. Бу фарзандларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Демак, кўпроқ

болаларга ўз тенгқурлари билан ўйнашга, ота-оналари билан мулоқот қилишга имкон бериш зарур.

Икки-уч ёшида боладаги “мен”лик шаклланади

Унга кўр-кўрона содиқ бўлган вазирлар қуршовидаги аҳмоқ қирол”. Кимдир боланинг ҳар бир инжиқлигини амалга оширадиган ота-онани шундай таърифлаган эди. Агар боланинг ҳар бир айтганини қиладиган бўлсангиз, 2 ёшида у ҳақиқий худбинга айланади. Шунда ота-она ўз фарзандини уришиб, танбеҳ бера бошлайди – бирданига уни яхши кўрган инсонлардан қаттиққул энагага айланишади. Ота-оналар ўзлари сезмаган ҳолда биринчи йили ўзларини “вазирлардек” тутадилар, болада “мен” ривожлана бошлагач, бирдан хатоларини тушуниб етадилар, аммо бу пайтда кеч бўлади. Чунки бола ўз позициясини ҳимоя қила бошлайди. Уни қанчалик кўп уришишса, у шунчалик инжиқ ва қулоқсиз бўла бошлайди. Шу сабабли бола бир ёшга тўлмасидан уни тарбиялаб, интизомга ўргата бошлаш зарур. Оддий мисол келтирамиз. Гўдак тартиб билан бир вақтда овқатланиши лозим. Шунда у меъеридан ортиқ овқат еб қўймайди ва унда ич кетиши, қовуғининг ҳаддан ортиқ тўлиб қолиши ва тунда жойини ҳўллаб қўйиш ҳолатлари бўлмайди. Сиз эса, у сал катта бўлганида, унинг бу камчиликлари билан курашишга вақт сарфламайсиз. Агар бунга эътибор берилмаса ва “эркин” тарбия тамойили қўлланилса, бу бола ва унинг оиласи учун кўп салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Икки-уч ёшли бола уни беозор шапатиланган ҳам бақариб йиғлай бошлайди. Чунки шу пайтгача уни эркин қўйиб қўйишган ва бирданига ша пайтгача мумкин бўлган нарсаларни тақиқлашган. Бунинг оқибатида ота-оналар кутганининг акси рўй беради.

Боладаги ғазаб ва ҳасад – иложсизлик кўринишидир

Гўдак ўз ҳиссиётларини сўз билан ифода қила олмайди: унинг кайфиятини билиш учун буни фарзандининг юз ифодасидан “ўқиб” олиш зарур. Мен барча оналар ҳам ўз болаларини тушунишларига шубҳа билан қарайман. Уй ишлари билан банд она боланинг ҳиссиётларина эътибор бермайди, унинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилмайди.

Токио университетининг профессори, бола руҳияти бўйича мутахассис Тошио Ямашита, боладаги инжиқлик сабабларини аниқлади:

- 1) касаллик натижасидаги жисмоний ҳолат;
- 2) оч қолиш ёки чарчоқлик;
- 3) кўрқишдан сўнгги ҳаяжон;
- 4) жисмоний машқларнинг етишмаслиги натижасида қувватнинг етарлича сарфланмаслиги;

5) ўз истакларини амалга оширишга интилиши;

б) инжиқ ота-онага қиёслаш.

Рўйхатдан кўриниб турибдики, боланинг инжиқлиги сабабларини унинг атрофдагиларидан излаш зарур. Сабабни аниқлаш ўрнига уни урушсангиз ёки фарзандингизга эътибор бермасангиз, у янада худбин ва қайсар бўлиб ўсади. Ота – оналар ўз фарзандларининг ҳиссиётларини тушунаман, деб ўйлайдилар, бола эса улар тушунмаганликлари учун инжиқлик қилади.

Болада рашк қилиш 1,5 ёш атрофида пайдо бўлади. Бу нарса, асосан, укаси ёки синглиси пайдо бўлгач, шаклланади. У ёлғиз пайти барча эътибор унга қаратилган бўлса, энди эса бу эътиборни бошқа билан бўлишишига тўғри келади. Бола ҳатто ота-онаси ўзаро гаплашганида, уларни бир-бирига рашк қилиши ҳам мумкин. Демак, гўдакнинг ҳар бир инжиқлигига сабаби бор. Энг асосийси, бу – кучсизлик, иложсизликдир. Агар боланинг ота-онаси уни уришса ёки мақтаса, у барибир норози бўлади. Шу боис, ота-она сабабларни аниқлаб, уларни бартараф этишга ҳаракат қилиши зарур.

Ўзгалар олдида фарзандингизни устидан кулманг

Бир танишим суҳбат чоғида доимо бурнининг устини ишқалайди. Суҳбат баҳсга айланса, унинг ҳаракатлари ҳам тезлашади. Ўз одатининг даврада чиройли кўринмаслигини билса-да, у ўзини назорат қила олмайди ва кўли беихтиёр бурни томон “югуради”. Унинг фикрича, бу “ярамас одат” унга гўдаклигида “ёпишган”. Ўйнай туриб, у бурнини ковлай бошлаганида, онаси ўртоқлари олдида уни доимо “ковлама, бурнинг катта бўлиб кетади” дея уришган. Шунда у кўрққанидан бурнини маҳкам ушлаб, қисиб турган. Бу аста-секин одатга айланиб, бир умрга қолиб кетган.

Афсуски, аксарият ҳолларда фарзандларининг камчиликларини ота-оналар ўзгалар олдида муҳокама қилиши оқибатида бундай болалар тортинчок, ўз танасидан уяладиган бўлиб вояга етишишади.

Болани жазолагандан кўра рағбатлантириш афзалроқ

Болани жазолаш керакми ёки рағбатлантириш, деган саволга мен албатта, “мақташ ёки рағбатлантириш лозим”, деб жавоб берган бўлардим. Жазолаш фарзандингизда очикдан-очик сизга бўйсунмаслик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Тасаввур қилинг, она дастурхонга ошхонадан бир стакан шарбат олиб бориб қўйди. Унинг энди тетапоя бўлаётган фарзанди ҳам онасига тақлид қилмоқчи бўлганида, у “тегма, мумкин эмас” дейди ва шарбатни тўкмаслиги учун унга қараб югуради. Катта бўлганида эса боласининг унга уй юмушларида ёрдам бермаётганидан хафа бўлади.

Шунинг учун бола бирор нарсани қилишга, сизга ёрдам беришга ҳаракат қилдими, унинг мазкур хатти-ҳаракатида хатолик бўлса-да уни мақтанг: “О, болагинам, катта бўлиб қолибсан. Раҳмат сенга, менга ёрдам берганинг учун!”. Натижасидан эса сиз кейинроқ баҳра оласиз.

Доктор Сузуки менга қишлоқ мусиқа мактабида таҳсил олаётган болакай ҳақида сўзлаб берган эди. У синфида энг қолоқ ўқувчилардан бири бўлиб, скрипкани жуда ёмон чаларди. “Сен менга скрипка чалиб берасанми?” – деб сўради доктор Сузуки. Болакай асарни жуда ҳам ёмон ижро этди, аммо жаноб Сузуки уни мақтади: “Ажойиб, ажойиб”,— деди у ва: “ Мен эса ушбу асарни мана бундай ижро этаман. Нима деб ўйлайсан. Худди шу тарзда ижро эта оласанми?” деди. У: “Уриниб кўраман” деди ва скрипкани олиб, мусиқани худди жаноб Сузукига ўхшатиб ижро этишга ҳаракат қилади. Энг қизиғи, бу сафар у анчагина яхши ижро этади. Маълум бўлишича, охири пайтлари болакайни фақат уришишган, у эса бир маротаба бўлса-да, мактов эшитиш илинжида юрган. Жаноб Сузукининг фикрича, болалар рағбатлантирилса, мактаб турилса, улар билан ишлаш анча осон кечади. Албатта, баъзан болаларни уришиб туриш ҳам керак. Аммо сиз ҳали ўқишга улгурмаган газетани болакай йирта бошласа, уни уришмасдан, қўлидан газетани олиб, ўрнига эскисини беришингиз мақсадга мувофиқдир. Агарда эски газета топилмаса, бундай қилиш керак эмаслигини болага секин, аммо катъий тушунтириш лозим.

Тарбия тамойили

Тартиб-интизомли бўлиш учун рағбатлантириш.

Икки-уч ёшли болакайларни улардан сўрамасдан жаноб Сузукининг олдига фарзандларига скрипка чалишни ўргатиши учун олиб келишади. Болажонлар бинода югуриб юриб, бир-бирлари билан ўйнашади ва мутлақо скрипка билан қизиқишмайди.

Агарда уларнинг ота-оналари фарзандларини мусиқага ўргатишмоқчи бўлишса, бундай уринишлар инжиқликлар, йиғи билан тугайди. Болалар скрипка чалишни ёмон кўришади. Чунки айнан шу ёшда уларнинг онгида “мен” уйғониб, ўзлари истамаган ишни бажаришни хоҳламайдилар. Шунинг учун ҳам бошида жаноб Сузуки болаларга улар нимани иташса, шуни қилишга рухсат беради ва умуман скрипкага яқинлаштирмайди. Кўп ўтмай жажжи ўқувчи тинчланиб, бошқа болаларнинг скрипкада ижро этаётган машқларини кузата бошлайди. Икки-уч ой ўтгач, бола пьесани ёддан билади ва ўзи ҳам скрипка чалишни истай бошлайди. Ўқитувчи боланинг хоҳиши кучайишини кутади ва фақат шундагина унга биринчи дарсини ўтади.

Тайёргарлик даври турли болаларда турли хилдир. Энг узоғи – олти ой. Жаноб Сузукининг асосий тамойили – қизиқишни уйғотиш, бу эса бирор нарсани ўрганиш учун энг яхши турткидир. Мажбурлаш – таълимнинг энг самарасиз усули. Агарда болада скрипкага нисбатан қизиқиш уйғонса, у қисқа вақт ичида уни чалишни ўрганади. Таълим предметига қизиқиш уйғота олиш – энг зўр педагогик методдир. Масалан, болани санашга ўргатишдан олдин уни сонга бўлган қизиқишини уйғотиш зарур. Ёзишдан олдин ёзиш жараёнига эътиборини қаратиш керак. Бошқача қилиб айтганда, ота-онанинг асосий вазифаси – болани таълим жараёнига тайёрлашдан иборат. Гўдакда қизиқишни уйғотиш учун шароит яратиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, бола расм чизишга қизиқиши учун унинг ёнида доимо кўплаб рангли қаламлар ва қоғоз бўлиши керак. Муסיқа ёки суратга қизиқиши бўлмаган кўпчилик ота-оналар болаларида мазкур истакнинг пайдо бўлганини сезмайдилар ёки шу ишни қилишга мажбурлайдилар ёхуд буларга умуман шароит яратмайдилар.

Тезкор муסיқа тил ўрганишга ёрдам беради

Америкада инглиз тилини ўрганувчи машхур диск бор. Тулки тўғрисидаги шеърнинг матни шўх муסיқа остида ўқилади. Муסיқа шу қадар ўйноқиқи, ҳатто менинг ҳам аксарият катталар сингари уни эшитганимда рақсга тушгим келади. Сўзлар эса мазкур муסיқа остида осон ёдда қолади. Афсуски, Японияда муסיқа остида сўз ёдлаш техникаси ишлаб чиқилмаган. Бу тарзда ёд олиш ўз-ўзидан содир бўлади. АҚШда эрта тил ўрганишдаги муваффақият айнан гўдакни мажбурлашга эмас, қизиқтиришга ҳаракат қилинишда кўринади. Кўпчилигимиз “ўрганиш” деган сўзни нохушлик билан қабул қиламиз. Биз олдиндан унга салбий муносабатда бўламиз, чунки у бизнинг иродамизга қарши чиқишидир. Аммо ўқишда муваффақият қозониш учун инсонда жараёнга нисбатан истак уйғониши лозим. Масалан, битта руҳонийнинг ўғли отаси тонгда айтган сутраларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз бир ойнаинг ичида ёд олган. У сутраларни бир маромда овоз чиқариб турган тонг садоси остида айтгани учун ҳам болақайнинг эсида осон қолган. Агарда болақай сутраларни ёдлашга мажбур қилинганида, у буни қийинчилик билан бажарган бўларди.

Қизиқ нарса болалар учун тўғри, қизиқ бўлмагани – нотўғри

Сиз фарзандингизни йиртилган гўлқоғоз учун уришасизми? Қандай қилиб у нотўғри ҳаракат қилганини тушунтирасиз? Сиз учун “яхши” ва “ёмон” тушунчалар ўз тажрибангиз ҳамда қабул қилинган ахлоқий меъёрларга боғлиқ. Аммо гўдакда бундай тажриба йўқ. Агар уни қаттиқ

урушсангиз, у ҳаракатини бошқа такрорламаслиги мумкин. Аммо айнан шу ҳолат келажакда ундаги иқтидорни, ўзини кўрсатишга бўлган интилишни ўлдириши ҳам мумкин. Болалар психологи Сейширо Аоки болада “яхши” ва “ёмон” тушунчаларнинг ҳосил бўлишини махсус тадқиқ этиб, бола учун “яхши” – бу бола учун қизиқ бўлган нарсалардир, деган хулосага келади. Масалан, ўғирланган болалардан “бегона одамларга яқинлашмаслик керак”, дея огоҳлантиришларга қарамай, уларнинг индамасдан мутлақо ёт инсонларга эргашганлари ҳақида сўралганида, “У билан қизиқ эди”, деган жавоб олинган.

Ўғрилар болаларнинг руҳиятини яхши билишган. Уларни қизиқтириб, орқаларидан эргаштира олганлар. Гўдак “барча қизиқ нарса”, “яхши” лигини тан олган ҳолда ўғриларга қаршилик кўрсатишмаган. Бола катта бўлиши билан унинг тажрибаси ҳам орта боради ва ундан келиб чиққан ҳолда “яхши” ва “ёмон”ни ажратади. Эндиликда уни мақташса, ўша ҳаракати “яхши”, урушишса – “ёмон” бўлади. Нохуш ҳиссиётлар ҳам “ёмон” сўзи билан уйғунлашади. Масалан, сиз фарзандингизни хунук ёзгани, жумлаларни тез ўқимагани, санада адашгани учун урушсангиз, бола бутун таълим жараёнини “ёмон” деб қабул қилади. Кўпчилигимиз болалайгимиздан мусиқа ёки инглиз тилини ёмон кўрамиз, чунки улар нохуш ҳиссиётларимиз билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида болада ижобий ҳиссиётларни уйғотиш мақсадга мувофиқдир. Бу таълим жараёнининг самарадорлигини оширади.

Давоми кейинги сонда.

Наргис Қосимова
таржимаси.